

12-1-2021

## THE ROLE OF INDUSTRY IN SOCIO-ECONOMIC DEVELOPMENT AND WAYS OF ITS DEVELOPMENT

Jasur Yakhshilikov  
*Samarkand State University*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

---

### Recommended Citation

Yakhshilikov, Jasur (2021) "THE ROLE OF INDUSTRY IN SOCIO-ECONOMIC DEVELOPMENT AND WAYS OF ITS DEVELOPMENT," *International Finance and Accounting*: Vol. 2021 : Iss. 6 , Article 26.  
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2021/iss6/26>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

**Жасур Яхшилик**

*Самарқанд давлат университети*

## **ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШДА САНОАТНИНГ РОЛИ ВА УНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**Аннотация.** Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, ялпи ички маҳсулотни яратишда тармоқларнинг қўшимча қўшилган қийматида энг юқори улуш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашда асосий тармоқ сифатида саноат тармоғининг аҳамияти ошиб бормоқда. Сўнги даврларда мамлакатимизда ҳам мазкур кўрсаткичлар бўйича саноат етакчи тармоқ сифатида намоён бўлмоқда. Яъни, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида саноатнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шу боис, саноатни янада ривожлантириш, айниқса ҳудудий саноат тармоқларини барқарор ривожлантириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Мазкур мақолада ижтимоий-иқтисодий ривожланишда саноатнинг аҳамияти, республикада саноатнинг тутган ўрни кенг ёритилиб берилган ҳамда унинг бугунги ҳолати бўйича статистик таҳлиллар амалга оширилган. Шунингдек, саноатни янада ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, саноат, аҳоли бандлиги, меҳнат ресурслари, технология, инвестиция, самарадорлик.

**Jasur Yakhshilikov**

*Samarkand State University*

## **THE ROLE OF INDUSTRY IN SOCIO-ECONOMIC DEVELOPMENT AND WAYS OF ITS DEVELOPMENT**

**Abstract:** The experience of developed countries shows that the highest share of value added in the creation of GDP and the role of industry as a key sector in providing employment is growing. Recently, the industry has become a leading sector in our country in terms of these indicators. That is, the role of industry in the socio-economic development of the country is of particular importance. Therefore, the further development of industry, especially the development of scientifically based proposals and recommendations for the sustainable development of regional industries is one of the most pressing issues today. This article covers the role of industry in socio-economic development, the role of industry in the country and provides statistical analysis of its current state. Proposals for further development of the industry have also been developed.

**Key words:** socio-economic development, industry, employment, labor resources, technology, investment, efficiency.

### **Кириш**

Иқтисодиётнинг қайси тармоғи бўлмасин, унинг ривожланишида саноатнинг ўрни беқиёсдир. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги, хизматлар соҳаси, транспорт ва алоқа ҳамда бошқа ижтимоий-иқтисодий соҳаларда фойдаланиладиган воситалар айнан саноатда ишлаб чиқилади, шунингдек бошқа тармоқларда яратилган маҳсулотларнинг аксарият қисми қайта ишлаш саноати асосида қўшимча қийматли товарларга айлантирилади. Бу эса мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида жуда муҳимдир.

Шу боис, сўнгги йилларда мамлакатимизда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини қўллаб-қувватлаш, иқтисодий тармоқлари учун самарали рақобатбардош муҳитни шакллантириш, ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигига эришиш, экспорт таркиби ҳамда географиясини диверсификация қилиш, шунингдек, ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш орқали миллий иқтисодий барқарорлигини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар анча фаоллашди [14].

Хусусан, махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналарида тадбиркорларнинг тўлиқ ва узлуксиз фаолият олиб боришини таъминлаш, улар учун зарур муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини яратиш, хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 апрелдаги “Махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5101-сон қарори қабул қилинди [1].

Мазкур қарор билан: 2021-2022 йилларда махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга туртки берадиган лойиҳалар ҳамда тўғридан-тўғри хорижий ва маҳаллий инвестициялар иштирокидаги йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш тадбирлари параметрлари; 2021 йилда махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг манзилли рўйхатлари тасдиқланди. Бу каби амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида бугунги пандемия шароитига қарамаздан мамлакатимиз дунёнинг санокли иқтисодий ўсишга эга давлатлари қаторидан жой олди.

Бу тўғрисида Буюк Британиянинг «bne Intelli News» онлайн-нашри Ўзбекистон 2020 йил ривожланаётган мамлакатлар орасида энг яхши иқтисодий ўсиш кўрсаткичларини намоён этгани яъни, асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар аллақачон сезиларли даражада яхшиланганлиги ҳамда саноат ишлаб чиқариш 2021 йилнинг биринчи чорагида ўтган йилнинг шу чорагига нисбатан 3,8 фоизга ошганлигини қайт этди [15].

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳар бир ривожланаётган мамлакат барқарор иқтисодий ривожланишга эришиши учун алоҳида шарт-шароитлар яратишни талаб этади. Бугунги кунда мамлакатимизда маҳаллий саноатнинг юқори технологияли замонавий асбоб-ускуналарга бўлган талаби ортиб бормоқда, бу технологик тузилманинг тез ўзгариши ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашган автоматлаштириш ва рақамлаштиришга нисбатан саноат парадигмасининг глобал ўзгариши билан боғлиқ.

Шунингдек, юқори технологияли маҳсулотлар (тадқиқот ва ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, сотиш, сотишдан кейинги хизматлар) яратишнинг ҳар бир босқичида тизимли муаммолар мажмуасининг мавжудлиги мамлакатимизда технологиялар ишлаб чиқариш саноатининг ривожланиши ва омиллардан

самарали фойдалана олишга боғлиқ бўлиб бормоқда. Бу эса алоҳида тадқиқотлар асосида ҳудудий ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

### **Адабиётлар шарҳи**

Дарҳақиқат, минтақа ёки ҳудуд ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш – ресурсларни мақсадли фаолиятларга сафарбар қилиш, тегишли инфтузилмаларни шакллантириш ва зарурий чораларни ишлаб чиқиш асосида ривожланиш йўналишларини белгилаш ҳисобланади. Ҳудуднинг узок муддатга мўлжалланган мақсадли стратегиясини ишлаб чиқиш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш эса илмий асосга эга бўлиши, иқтисодий салоҳиятни оширишга ижобий таъсир этувчи омилларни ҳисобга олиши талаб этилади [2; 1-9-б.].

Шундай экан, саноат тармоғини ривожлантириш бўйича маҳаллий олимлар ва тадқиқотчилар томонидан қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Н.М. Махмудов [3; 2-12-б.] машинасозлик саноати тармоғи ишлаб чиқаришида таркибий ўзгаришлар йўналишлари ва тармоққа жалб қилинаётган инвестициялар самарадорлигини ошириш бўйича, А.А. Қосимов [4; 1-15-б.] ҳудудий саноат иқтисодий салоҳиятининг статистик прогнозлари ва уни янада ривожлантириш истиқболлари бўйича, А.А. Исломов [5; 1-10-б.] ишлаб чиқариш кучларини тўғри ва оқилона ташкил этишининг назарий жиҳатлари ва минтақавий жойлаштириш назарияларининг шаклланиш ҳамда ривожланиш босқичлари, Д.Г. Мамаджонов [6; 1-10-б.] саноат тармоғининг миллий иқтисодиётда тутган ўрни, унинг барқарор ривожланиши, тармоқнинг инновацион фаолияти ҳамда бошқаруви самарадорлиги масалалари, О. Бегмуллаев [7; 33-36-б.] бозор иқтисодиёти шароитида саноат корхоналарининг ночорлиги муаммоларига услубий ёндашувларини илмий тадқиқ этиш бўйича тадқиқотлар олиб борган.

Хорижий олимлардан Е. Martinaitytė, R. Kregždaitė [8; 55-70-б.] саноат ривожланиши омилларининг бугунги босқичлари, Fan Yang, Yanming Sun, Yuan Zhang and Tao Wang [9; 1-14-б.] ишлаб чиқариш саноатининг ўзгариши ва янгилинишига таъсир этувчи омиллар, Tim Jeske, Marlene Würfels, Frank Lennings [10; 371-380-б.] ишлаб чиқариш саноатида рақамлаштиришнинг ривожланишининг самарадорлик, бошқарув ва инсон меҳнатига таъсири, Wesam Salah Alaloul, Muhammad Ali Musarat, M.S. Liew, Abdul Hannan Qureshi and Ahsen Maqsoom [11; 1575-1582-б.] қурилиш саноати инфляциясининг иш ҳақига таъсири, J.J. Szczygielski, A. Charteris, P.R. Wwanya [12] Covid-19 пандемиясининг глобал саноатга таъсири ва роли, Yu. Vertakova, V. Plotnikovb and M. Culicova [13; 743-749-б.] глобаллашув ва замонавий иқтисодиёт тенденцияларига таъсир қилувчи омиллар таҳлили бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб борган.

Фикримизча, саноат тармоғини хусусан, ҳудудий саноат тармоқларини ҳудуд шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда уни янада ривожлантиришнинг инновацион йўллари аниқлаш, унинг самарадорлигини оширишда омиллар таҳлилин амалга ошириш ва улардан самарали фойдаланишнинг оптимал йўллари топиш бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш зарур.

## Тадқиқот методологияси

Мазкур тадқиқотда жадвал, статистик гуруҳлаш, кузатув, график, аналитик таққослаш, мантиқий таҳлил, омилли таҳлил каби усуллардан ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари ҳамда мавзуга оид хорижий ва маҳаллий олимларнинг тадқиқотларидан кенг фойдаланилган.

## Таҳлил ва натижалар

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, саноатнинг барқарор ривожланиши ва ишончли фаолият кўрсатиши кўп жиҳатдан иқтисодиётнинг энергия ва моддий сарфи ҳамда меҳнат унумдорлиги, шунингдек охириги вақтларда ривожланган мамлакатлар тажрибасида қўлланилаётган саноатнинг экологик даражасига ҳам боғлиқдир. Бундан ташқари, саноат хавфсизлиги пировардида мамлакат иқтисодий хавфсизлиги ётади. Шу жиҳатдан бу кўрсаткичлар муваффақиятли иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим омиллари ҳисобланади.

Умуман олганда ривожланган мамлакатлар ва ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий хусусан, саноатни ривожлантиришга бўлган қарашлари бир-биридан фарқ қилади. Ривожланган мамлакатлар саноатни ривожлантиришда кўпроқ юқори сифат ва экологик хавфсизликка эътибор беришса, ривожланаётган мамлакатлар эса саноатнинг янги турларини ташкил этиш, кўп миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг экспортда улушини ошириш, импорт ўрнини босувчи саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга эътибор қаратадилар.

Ривожланаётган мамлакатлар хусусан, мамлакатимизда саноатни ривожлантиришда инвестиция, меҳнат ресурслари ва технологиялар каби асосий омиллар самарадорлигини оширишга эътибор қаратилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Фикримизча, саноатни ривожлантиришда омилларнинг таъсири ва аҳамиятини қўйидагича ифодалаш мумкин (1-расм). Саноат ишлаб чиқаришга бевосита таъсир кўрсатувчи технологик, инвестицион, меҳнат ресурслари ва бошқа омиллардан самарали фойдаланиш маҳсулот таннархини пасайтириш ва юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини берса, ташқи яъни, логистика инфратузилмаси ҳамда ички ва ташқи бозор конъюнктураси, шунингдек институционал таъсир ҳолати ва даражаси саноат ривожланишига юқори таъсир кўрсатувчи омил ҳисобланади.



**1-расм.** Саноат ривожланишига омиллар таъсири.

**Манба:** Муаллиф ишланмаси.

Статистик таҳлилларга кўра, жорий йилнинг 1 январ ҳолатига республика бўйича 503,5 мингдан ортиқ корхона ва ташкилотлар (деҳқон ва фермер хўжаликлари бундан мустасно) рўйхатга олинган. Шундан 95,3 мингтаси

2021 йилда ташкил этилган янги корхоналар бўлса, 11,6 мингтаси тугатилган бўлиб, 28,3 мингтаси нофаол корхоналар ҳисобланади. Демак, бугунги кунда фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар сони қариб 475,2 мингтани ташкил этади. Мазкур корхоналарнинг иқтисодий фаолият тури бўйича 41,3 мингтаси қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида, 83,5 мингтаси саноатда, 41,0 мингтаси қурилиш соҳасида, 132,2 мингтаси савдо соҳасида, 17,3 мингтаси ташиш ва сақлаш соҳасида, 30,1 мингтаси яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида, 9,5 мингтаси ахборот ва алоқа соҳасида, 9,1 мингтаси соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида ҳамда 111,1 мингтаси бошқа соҳаларда фаолият юритмоқда. Бу кўрсаткичлар 2014-2015 йилларга нисбатан қарийб 2 баробарга ошган.

Иқтисодий фаол корхона ва ташкилотларнинг аксарияти яъни, 20,2 фоизи Тошкент шаҳрига тўғри келса, 4,6 фоизи Қорақалпоғистон Республикаси, 7,7 фоизи Андижон, 5,9 фоизи Бухоро, 4,4 фоизи Жиззах, 6,4 фоизи Қашқадарё, 4,2 фоизи Навоий, 6,5 фоизи Наманган, 8,2 фоизи Самарқанд, 5,3 фоизи Сурхондарё, 3,2 фоизи Сирдарё, 9,7 фоизи Тошкент, 8,9 фоизи Фарғона ва 4,6 фоизи Хоразм вилоятлари ҳиссаларига тўғри келади (1-жадвал).

1-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича корхона ва ташкилотлар сони (бирликда, 2021 йил 1 январ ҳолатига)**

№	Ҳудудлар	Рўйхатга олинган	Фаол	Нофаол	Янги ташкил этилган	Тугатилган
1	Қорақалпоғистон	22667	21968	699	4568	750
2	Андижон	40982	36726	4256	7849	848
3	Бухоро	29644	28233	1411	6041	957
4	Жиззах	22027	20993	1034	4384	403
5	Қашқадарё	31117	30180	937	5916	791
6	Навоий	21321	20133	1188	4354	785
7	Наманган	31815	30882	933	6345	1126
8	Самарқанд	41145	38946	2199	8828	991
9	Сурхондарё	26615	25367	1248	7666	722
10	Сирдарё	16436	15425	1011	3011	547
11	Тошкент	52239	46173	6066	8481	997
12	Фарғона	43529	42241	1288	8272	601
13	Хоразм	23462	21979	1483	4721	871
14	Тошкент ш.	100539	95951	4588	14875	1158
<b>Жами:</b>		<b>503538</b>	<b>475197</b>	<b>28341</b>	<b>95311</b>	<b>11547</b>

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

2020 йилда республика ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) 602,6 трлн. сўмни ташкил этган бўлиб, тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати 558,2 трлн. сўмга тенг бўлган. Шундан, 27,1 фоизи ёки 151,3 трлн. сўм қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги, 27,4 фоизи ёки 152,7 трлн. сўм саноат, 6,7 фоизи ёки 37,5 трлн. сўм қурилиш соҳаси, 38,8 фоизи ёки 216,7 трлн. сўм хизматлар соҳаси, 6,7 фоизи ёки 37,2 трлн. сўм савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳаси, 6,9 фоизи ёки 38,5 трлн. сўм ташиш ва сақлаш ҳамда ахборот ва алоқа

соҳалари, 25,3 фоизи ёки 141,0 трлн. сўм бошқа хизмат тармоқлари ҳиссасига тўғри келган.

ЯИМни яратилишида тармоқларнинг ялпи қўшилган қийматининг ўсиш даражаси 2020 йилда 2010 йилга нисбатан 8,0 мартага ошган бўлса, бунда энг юқори кўрсаткич саноатда 11,8 марта, қурилиш соҳасида 10,0 марта, бошқа хизмат тармоқларида 7,8 марта, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 7,1 марта, хизматлар соҳасида 6,9 марта, савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида 6,2 марта, ташиш ва сақлаш ҳамда ахборот ва алоқа соҳаларида 5,3 мартага ошган (2-жадвал).

2-жадвал

**Иқтисодий фаолият турлари кесимида ЯИМ ҳажми (млрд. сўм)**

№	Тармоқлар	2013	2012	2014	2016	2018	2020
<b>I. ЯИМ</b>		78 936,6	127 590,2	186 829,5	255 421,9	424 728,7	602 551,4
<i>жами шу жумладан:</i>							
1	Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	69 473,0	113 273,4	168 449,1	232 990,4	379 152,9	558 179,2
2	Маҳсулотларга соф солиқлар	9 463,6	14 316,8	18 380,4	22 431,5	45 575,8	44 372,2
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>		69 473,0	113 273,4	168 449,1	232 990,4	379 152,9	558 179,2
1	Қишлоқ, ормон ва балиқчилик хўжалиги	21 251,3	36 954,7	53 613,2	74 779,0	113 660,7	151 250,9
2	саноат	12 997,3	20 462,7	32 136,7	45 397,9	95 803,8	152 728,0
3	қурилиш	3 760,5	5 601,4	9 098,3	13 148,0	22 101,1	37 488,5
4	Хизматлар	31 463,8	50 254,7	73 600,9	99 665,5	147 587,2	216 711,7

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Таъкидлаш жоизки, нафақат ЯИМни яратишда, балки мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида шунингдек, истеъмол молларининг аксарият қисми айнан саноат асосида ишлаб чиқилаши билан ҳам саноат мамлакат иқтисодиётининг асоси бўлиб ҳисобланади. Буни аҳоли бандлигини таъминлашда ҳам кузатиш мумкин.

Жорий йил бошига республика аҳолиси 34,6 млн. кишини ташкил этган бўлса, шундан меҳнат ресурслари 19,1 млн. кишини ташкил этади. 14,8 млн. киши иқтисодий фаол бўлиб, шундан 13,2 млн. нафари иш билан таъминланган. Шу жумладан, иқтисодий фаолият турлари бўйича қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 3,6 млн. нафар, саноатда 1,8 млн. нафар, қурилиш соҳасида 1,3 млн. нафар, савдо соҳасида 1,4 млн. нафар, ташиш ва сақлаш соҳасида 0,6 млн. нафар, таълим соҳасида 1,2 млн. нафар, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида 0,7 млн. нафар ҳамда бошқа соҳаларда 2,6 млн. нафар киши банд. Таҳлилларга кўра, мазкур кўрсаткичнинг ўсиш суръати 2020 йил якунлари бўйича 2010 йилга нисбатан ўртача 1,1 баробарни ташкил этган бўлса, тармоқлар бўйича энг юқори ўсиш суръати саноат ва қурилиш ҳиссасига тўғри келган.

Маълумотларга кўра, 2020 йилда республикада 367,1 трлн. сўм саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Шундан энг юқори улушга эга ҳудудларга Тошкент шаҳар (18,2 %), Навоий (17,7 %) ва Тошкент (17,6 %) вилоятлари кирган бўлса, энг паст кўрсаткичлар Жиззах (1,5 %), Сурхондарё (1,5 %), Сирдарё (2,2 %) ва Хоразм (2,6 %) вилоятларида кузатилган (3-жадвал).


3-жадвал

**Ҳудудлар бўйича саноат маҳсулоти ҳажми (млрд. сўм)**

№	Ҳудудлар	2010	2012	2014	2016	2018	2020
1	Қорақалпоғистон	697,2	1034,2	1717,2	4265,7	10911,9	14144,8
2	Андижон	4701,4	6934,9	10463,2	7965,7	27454,7	35593,3
3	Бухоро	1674,8	2457,8	3972,6	5569,6	8601,2	17567,1
4	Жиззах	522,7	785,7	1195,8	2001,2	3581,8	5560,0
5	Қашқадарё	4957,5	6076,4	7194,7	9632,2	14529,5	14574,8
6	Навоий	4038,5	5761,1	8238,9	10657,9	22892,4	65116,7
7	Наманган	1007,0	1615,6	2315,2	3475,7	6586,6	10950,8
8	Самарқанд	2011,2	3222,0	4966,4	7446,0	13488,1	18072,8
9	Сурхондарё	756,4	1101,8	1615,3	2200,7	3234,7	5515,9
10	Сирдарё	926,8	1528,1	2363,1	3522,3	5163,1	7928,7
11	Тошкент	5471,2	8112,1	12474,6	16864,7	37724,4	64765,3
12	Фарғона	3265,5	4596,9	6596,4	8040,7	13613,8	21610,6
13	Хоразм	628,6	1014,2	1920,8	2802,7	6457,2	9417,0
14	Тошкент ш.	6984,4	12516,4	15468,5	23511,9	43274,1	66822,8
<b>Жами:</b>		<b>38119,0</b>	<b>57552,5</b>	<b>84011,6</b>	<b>111869,4</b>	<b>235340,7</b>	<b>367078,9</b>

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

2020 йилда республика ҳудудлар бўйича саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари бўйича энг юқори кўрсаткич Наманган (115,8 %), Сурхондарё (113,9 %), Навоий (109,4 %) ва Жиззах (107,1 %) вилоятлари ҳиссасига тўғри келган бўлса, ўсиш суръати паст бўлган вилоятларга Тошкент шаҳри (100,5 %), Қашқадарё (100,6 %), Бухоро (100,6 %), Сирдарё (101,0 %), Фарғона (101,7 %) ва Самарқанд (102,3 %) вилоятларига тўғри келган (2-расм).



**2-расм.** Ҳудудлар бўйича саноат маҳсулотининг ўсиш суръати (фоизда).

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.



Фикримизча, саноат тармоғининг ривожланиши мамлакатнинг ҳар томонлама барқарор ривожланиши билан бир қаторда унинг иқтисодий мустақилликка эришишига, халқаро бозор конъюнктурасига таъсир кўрсатишига, юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришишига, ривожланган мамлакатлар қаторига киришига кенг имконият яратади (3-расм).



**2-расм.** Саноат ривожланишининг муҳим жиҳатлари.

**Манба:** Муаллиф ишланмаси.

Шунингдек, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини модернизация ва диверсификация қилишда ҳамда уларнинг барқарор фаолият юритиши ва ривожланишида ҳам саноат тармоқлари алоҳида аҳамият касб этади.

### Хулоса ва таклифлар

Фикримизча, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида саноатнинг ролини ҳисобга олган ҳолда уни янада ривожлантириш ва барқарор ўсишини таъминлашнинг истиқболли стратегияларини ишлаб чиқишда қуйидагиларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Ҳудудларнинг ижтимоий, иқтисодий, табиий шарт-шароитлари ва геосиёсий жойлашуви ҳамда ташқи-ички бозор имкониятларидан келиб чиқиб, саноат корхоналарини тўғри жойлаштириш;

2. Саноат тармоқларини модернизациялаш ва диверсификациялашни ҳамда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, шунингдек институционал муносабатларни янги ҳамкорлик босқичга олиб чиқиш;

3. Ўзлаштирилаётган инвестицияларни бошқа йўналишларга эмас, бевосита ишлаб чиқариш жараёнига йўналтириш ва уларнинг манзилли ҳамда самарали ишлатилишини мониторинг қилиш;

4. Саноатда банд ходимлар малакаси ва замонавий ахборот технологиялари билан ишлаш кўникмасини ошириш ҳамда малакали мутахассис кадрларни муносиб рағбатлантириш механизминини такомиллаштириш орқали меҳнат унумдорлигини оширишга эришиш;

5. Саноат корхоналари фаолият юритишида буйрокрatik тўсиқларни хусусан, маҳаллий ҳокимлик органларининг асоссиз аралашувини бартараф

этиш ҳамда ҳисоб-рақамидаги пул-маблағларини эркин тасарруф этиши учун молиявий эркинликни кенгайтириш;

6. Хуфёна иқтисодиётга қарши курашишнинг оптимал вариантларини қўллаш, жумладан кўп сонли иш ўрни яратган тадбиркорлик субъектларини муносиб моддий қўллаб-қувватлаш (мукофотлаш) амалиётини жорий этиш лозим.

Хулоса ўрнида такидлаш лозимки, саноатнинг ривожланиши иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари фаолиятини, аҳолини иш билан бандлигини таъминлашни, мамлакатнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини, иқтисодий мустақиллигини таъминлашни, соф қўшимча ёки янги қийматдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни, жаҳон бозорига чиқиш ва унда муносиб ўрин эгаллашни амалга оширишда муҳим тармоқ ҳисобланади. Пировардида аҳоли бандлигини таъминлаш ва юқори даромадга эга бўлиши ҳамда турмуш даражасининг яхшиланишига олиб келади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 апрелдаги “Махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5101-сон қарори. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

2. Маҳмудов М.Ф. Ўзбекистоннинг саноат ишлаб чиқариш салоҳиятини баҳолаш // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали, 1/2019 (№ 00039), 1-9 б.

3. Маҳмудов Н.М., Усмонов Б.Х. Машинасозлик тармоғи ишлаб чиқаришида таркибий ўзгаришлар йўналишлари ва тармоққа жалб қилинаётган инвестициялар самарадорлиги // Иқтисодиёт ва молия, №8, 2017, 2-12 б.

4. Qosimov A.A. Statistical forecasts of the economic potential of industry of the surkhandarya region and the prospects of its further development // The American journal of management and economics innovations. – 2020. – Т. 2. – №. 11. – С. 1-15.

5. Исломов А.А. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг назарий асослари // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали, №1, 2017, 1-10 б.

6. Мамаджонов Д.Г. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат тармоғининг бошқарув самарадорлигини ошириш йўллари // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 3, июнь, 2018 йил, 1-10 б.

7. Бегмуллаев О. Бозор иқтисодиёти шароитида саноат корхоналарининг ночорлиги муаммоларига услубий ёндашув // Иқтисодиёт ва таълим, №1, 2008, 33-36 б.

8. Martinaitytė E., Kregždaitė R. The factors of creative industries development in nowadays stage // Economics and sociology, Vol. 8, No 1, 2015, pp. 55-70.

9. Fan Yang, Yanming Sun, Yuan Zhang and Tao Wang. Factors affecting the manufacturing industry transformation and upgrading: a case study of Guangdong–Hong Kong–Macao greater bay area // International journal of environmental research and public health, 2021, 18, 7157, p. 1-14.

10. Tim Jeske et al. Development of digitalization in production industry – impact on productivity, management and human work // *Procedia Computer Science*. V. 180 (2021), p. 371–380.
11. Wesam Salah Alaloul et al. Investigating the impact of inflation on labour wages in construction industry of Malaysia // *Ain shams engineering journal*, V.12 (2021), p. 1575–1582.
12. J.J. Szczygielski, A. Charteris, P.R. Bwanya, et al., The impact and role of COVID-19 uncertainty: A global industry analysis, *International Review of Financial Analysis* (2018), <https://doi.org/10.1016/j.irfa.2021.101837>
13. Vertakova Yu., Plotnikov V., Culicova M. The key factors, determining the industrial development of Russia under the conditions of membership in the WTO // *Procedia economics and finance*, V.24 (2015), p. 743-749.
14. <https://tfi.uz/ru/news-uz/18.05-%D0%90%D1%82%D0%B0%D0%BD%D0%B8%D1%8F%D0%B7%D0%BE%D0%B2%D0%96>
15. <https://www.intellinews.com/uzbekistan-has-built-up-some-growth-momentum-despite-a-tough-year-214298/?source=bne-credit>
16. <https://www.stat.uz>